

## ШАРТНОМА № 25.

сиқилган газ етказиб бериш бўйича

Гулистон ш.

2022 йил „25“ 01

Низом асосида фаолият юритувчи куйида «Таъминотчи» деб юритилувчи раҳбар Шайбеков Н номидан «Метан Ривож Савдо» МЧЖ бир томондан ва иккинчи томондан кейинчалик «Истеъмолчи» Этажогиев бози сарфасиев деб аталувчи раҳбар Р. Эргачев номидан куйидагича шартнома туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1. «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришнинг бажарилишини бўйнига, «Истеъмолчи» эса тўлаш ва муддатни белгилашни амалга оширади:

Маҳсулот номи	ўлч.бир	Бир йил учун таъминлаш Жами:	Жумладан чораклар бўйича			
			1	2	3	4
Газ балонли автомобиллар учун сикилган табиий газ	M <sup>3</sup>	2500	2500	~	~	~

2. Етказиб бериш «Истеъмолчи» газ балонларини «Таъминотчи» нинг автомобилга газ тўлдириш компрессор станциялари (АГНКС) дан тўлдириш йўли билан амалга оширилади.  
3. Етказиб бериш (таъминот) вакти бўлиб «Истеъмолчи» автомобилини тўлдириш вакти хисобланади.

### 2. ТЎЛОВ

4. Шартноманинг умумий нархи у тузилган вактда 6000 000 сўмни ташкил килади хамда шартнома тузилган вактида 1 куб. Метр сикилган газнинг нархи 2400 (иъни минг тўртюз) сўм ККС билан килиб белгиланди ва хом ашё, маҳсулотлар, ёкилги-энергетика ресурслари нархи ўзгаришига қараб ва шунингдек, Ўзбекистон Республикаси+  
- хукуматининг хуқукий хужжат ва карорларининг ўзгаришига қараб ўзгартирилиши мумкин.  
5. Сикилган газ учун тўлов банк коидаларига мувоғик амалдаги конуннинг шаклларида амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тасдиқланган, декларация килинган рўйхат реестрига кўра етказиб берилган кундаги газ нархida бўлади (тўланади).  
6. СТГ (сикилган табиий газ) ёкилғисини жўнатиш ведомостлар бўйича, ўрнатилган шаклда тўловни 100% олдиндан тўлаб ва «Таъминотчи» хисоб ракамига пул келиб тушганидан сўнг бажарилади. Олдиндан тўлаш амалга оширилмаса «Таъминотчи» газ етказиб беришни кискартириш ёки тўхтатиш хуқукига эга. Вақтида тўланмаган хар бир кун учун «Сотиб олувчи» олдиндан тўланадиган сумманинг 0,4 % хажмида пеня тўлайди, лекин бу тўловнинг 50 % идан кўп бўлмаслиги лозим.  
7. «Таъминотчи» томонидан таъминот муддати бузилган ҳолатда «Таъминотчи», «Истеъмолчи» га хар бир муддатидан ўтган кун учун товар кийматининг 0,4 % и хажмида пеня тўлайди.  
8. «Истеъмолчи» автомобилдан фойдаланиш вактида унинг техник ҳолати ва техник хавфсизлиги учун тўлик жавобгарликни ўз бўйнига олади.  
9. «Истеъмолчи» куйдагиларга мажбур:  
а) газдан ва газ баллонли автомобиллар фойдаланиш масалалари бўйича барча амалдаги коида, техник шартлар, кўлланма ва коидаларни аник бажариш (риоя килиш);  
б) газ баллон ускунаси ва автомобилнинг эҳтиёт кисмларини яхши ҳолатда саклаш;  
в) йўл хужжатида баллонлар сонининг техник аҳволи ва уларнинг геометрик хажми бўйича илова бўлиши;  
г) автомобилни ўрнатилган ҳолатда газга тўлдириш бўйича рухсат олиш;  
д) автомобилнинг техпаспортида (маҳсус иловасида) баллонларнинг умумий, геометрик хажмининг 0,5 аниклидаги сони бўлиши, шунингдек маҳсус автомобил кисмларига ёзиб кўйиш.  
10. «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» сикилган газни бир маромда бир ой мобайнида газ хажмининг ўртacha бир суткалик нормаси чегарасида бериш ва олишлари керак.

Сикилган газдан фойдаланиш бўйича келгусида бўладиган ўзгаришлар хакида «Истеъмолчи», «Таъминотчи» ни квартал бошигача 15 кундан кам бўлмаган муддатда ёзма равишда ёки телефон оркали огохлантириб кўшиши керак.